



## XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 30 - aprel

VI-50-70-11-161-K/22

O'zbekiston tuman hokimligi

### **Ўзбекистон туманида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича 2022 йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар ҳисоботи тўғрисида.**

2022 йилда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури хизматлар соҳасини янада кенгайтириш, хизматлар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш, янги хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этиш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини оширишни рағбатлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш устувор вазифа этиб белгиланди.

#### **Хизматлар соҳасини ривожлантиришда**

Ҳар бир маҳаллаларда аҳолининг зурурий хизмат турларига бўлган эҳтиёжини қондиришга, хизматлар соҳасини ривожлантириш учун ажратилаётган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланишга; ҳар бир ҳудуднинг аҳоли сони, ихтисослашуви ва драйверидан келиб чиқиб ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Дастур доирасида 2022 йилда барча хизмат йўналишларида жами 114,7 млрд. сўмлик 240 та катта ва кичик лойиҳалар амалга оширилиб, 3166 та янги иш ўринлари яратиш ва фуқароларнинг бандлиги таъминлаш белгиланган бўлиб, 2022 йил 1-чорак якуни билан савдо ва сервис йўналишида 527 та янги иш ўрни яратилди.

#### **Худудий дастурлар доираси**

Туманда қиймати 46,9 млрд. сўмлик 33 та лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, 2022 йил **1-чорак** якуни билан умумий қиймати **6 млрд 900 млн.сўм** бўлган **6 та** лойиҳалар ишга туширилди ва **44 та** янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, 2 та таълим хизмати (қиймати 1,5 млрд. сўм, иш ўрни 18 та), 3 та савдо (қиймати 4,0 млрд. сўм, иш ўрни 16 та), 1 та транспорт (қиймати 1,5 млрд. сўм, иш ўрни 10 та) хизмат лойиҳалари амалга оширилди.

#### **Ижтимоий хизматларни ривожлантириш**

Ижтимоий соҳада хусусий сектор улушини кўпайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш орқали янги иш ўринлари яратиш

белгиланган. Бунда, 1-чорак якуни билан қиймати 2,4 млрд. сўмлик 6 та лойихалар амалга оширилиши ҳисобига 33 та янги иш ўринлари яратилди.

### **Туризм хизматларини ривожлантириш**

Тумандаги мавжуд туристик масканларни реконструкция қилиш ва ушбу ҳудудларда хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш орқали янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунга келиб тумандаги Овчи МФЙ ҳудудида жойлашган “Мўймуборак” зиёратгоҳини туристик салоҳиятини кенгайтириш ва реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда “Мўйи муборак” зиёратгоҳида қурилиш ишларини ташкил этиш ҳамда ҳудуд атрофини кенгайтириш учун зарур бўладиган ер майдонларидаги бино-иншоотларни бузиш ва текислаш ишлари амалга оширилмоқда.

Зиёратгоҳга олиб борувчи Овчи МФЙ ҳудудида 1-чорак якуни билан қуйидаги хизмат кўрсатиш турлари ташкил этилган;

- **2 та** меҳмон уйлари ташкил этиш орқали **6 та**;
- **6 та** савдо дўконларини ишга тушириш орқали **12 та**;
- **2 та** сартарошхона фаолиятини йўлга қўйиш орқали **4 та**;
- **1 та** суратхона, **1 та** сайр қилиш хизматини йўлга қўйиш орқали **2 та**;
- **2 та** умумий овқатланиш шаҳобчаси ташкил этиш орқали **7 та**;
- **1 та** автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида **3 та** доимий иш ўринлари яратилиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

### **Кўнги́л очар кўчалар (Shopping Street)**

Ўзбекистон туманидаги Туркистон кўчаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сон қарорининг 3-иловасида маҳсус хизмат кўрсатиш кўча яъни кўнги́л очар кўча ташкил этилиши белгиланган. Мазкур кўчада туну-кун ишлайдиган 48 та савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этиш белгиланган бўлиб, 1- чорак якуни билан Туркистон кўчасида 12 та савдо хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этилиши ҳисобига 32 та янги иш ўрни яратилди.

2022 йил 1-чорак якуни билан қуйидаги макроиктисодий кўрсаткичларга эришилди.

2022 йил 1-чорак якуни билан жами хизматлар ҳажми 167,4 млрд. **сўмни**, ўсиш суърати 120,8 фоизни, аҳоли жон бошига **678,4 минг сўмни**, чакана савдо **107,3 млрд.сўмни**, ўсиш суърати **105,4 фоизни**, аҳоли жон бошига **434,6 минг сўмни** ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 14 декабрь куни ўтказилган “Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар натижадорлиги ҳамда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш, 2022 йилда меҳнат баланси ва бандлик дастурини шакллантириш бўйича амалга ошириш” ҳақидаги 55-сонли баёни ижросини таъминлаш, шунингдек 2022 йилги хизматлар

соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш орқали туманнинг хизматлар соҳасини ривожлантириш, шу асосда аҳолининг фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтириш мақсадида туманда амалга оширилган ишлар юзасидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Алижоновнинг ҳисоботини тинглаб, атрофлича муҳокама қилиб, халқ депутатлари туман Кенгаши

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. 2022 йил I чораги давомида “Ўзбекистон туманида хизматлар соҳасини ривожлантириш” дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Алижоновнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Алижоновга:

- туман ҳокими ўринбосарлари, тумандаги барча корхона ташкилот раҳбарлари, инвестиция ва ташқи савдо бўлими ҳамда тижорат банклари билан биргаликда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар соҳасини ривожлантиришда овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида 2022 йил учун аниқ лойиҳалар ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш;

- туманда хизматлар соҳасини ривожлантириш учун тижорат банкларини масъул этиб бириктириш ҳамда 2022 йил лойиҳаларини молиялаштириш чораларини кўриш;

- туманда хизматлар соҳасида иш олиб борувчи барча тадбиркорлик субъектларига иш фаолиятини олиб бориш учун қулай шарт-шароит яратиш ва уларни зарур молиявий маблағлар билан таъминлаб бориш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- туманда хизматлар соҳасини ривожлантириш мақсадида ҳар бир соҳа бўйича масъул этиб тижорат банклари, корхона-ташкилот раҳбарлари ва овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарларини бириктириш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (Д.Жабборов)га амалга оширилаётган ишларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш тавсия этилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Алижонов, қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Юлдашев